

6-1-2018

INTERNATIONAL CAPITAL MOVEMENT PROJECT FINANCING IN INTERNATIONAL

D. Khujamqulov

Tashkent Financial institute

Sh. Asomkhodjayeva

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khujamqulov, D. and Asomkhodjayeva, Sh. (2018) "INTERNATIONAL CAPITAL MOVEMENT PROJECT FINANCING IN INTERNATIONAL," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Хўжамқулов Д.Ю. – ТМИ,
доц., и.ф.н.,
Асомходжаева Ш. – ТМИ,
катта ўқитувчи

ХАЛҚАРО КАПИТАЛ ҲАРАКАТИДА ХАЛҚАРО ЛОЙИҲАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада халқаро капитал ҳаракатини фаоллаштиришда халқаро лойиҳавий молиялаштиришнинг аҳамияти, унинг глобал минтақалар ва жаҳон иқтисодиёти секторларидаги бугунги ривожланиш ҳолати ва келгуси истиқболлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, лойиҳавий молиялаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро капитал ҳаракати, инвестиция лойиҳаси, ресурслар.

В статье рассматриваются значение международного проектного финансирования в активизации международного движения капитала, его сегодняшнее положение в глобальных регионах и секторах мировой экономики, а также будущие перспективы.

Ключевые слова: инвестиция, проектное финансирование, прямые иностранные инвестиции, международное движение капитала, инвестиционный проект, ресурсы.

The article considers importance of the international project finance in activations of the international moving of the capital, its present-day position in global region and sector of the world economy, as well as previous prospects.

Keywords: investment, project finance, direct foreign investments, international moving of the capital, investment project, resources.

Жаҳон иқтисодиётидаги бугунги глобал ўзгаришлар ва ривожланишлар инвестициялардан самарали фойдаланиш натижалари бўлиб, бу, ўз навбатида, давлатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг юксалиши асосидаги халқаро капитал ҳаракатининг йўналишлари ва фаоллашувига мувофиқ юзага келмоқда. Халқаро капитал ҳаракати, нафақат, алоҳида давлатлар иқтисодиёти, балки, у жойлашган минтақа иқтисодиёти, шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг бугунги ривожига ва истиқболи учун муҳим аҳамият касб этувчи омил ҳисобланади. Шу боисдан бугунги кунда ҳар бир давлат халқаро иқтисодий муносабатларда у жойлашган минтақадаги яқин, қўшни давлатлар билан ҳам алоқаларни ҳар томонлама мустақамлаб бориши асосида халқаро капитал ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланишига интиломи лозим. Бу олис хорижий давлатлар учун ушбу давлат билан барча соҳаларда ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда бугунги кунда эътибор қаратилаётган муҳим асослардан бири бўлиб қолмоқда.

Барчамизга маълумки, жаҳон миқёсида халқаро капитал ҳаракати ўрганилганда ва унга баҳо берилганида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

(ТТХИ)нинг минтақалар бўйича ҳаракати, яъни унинг экспортёрлари ва импортёрлари бўйича таркиби ва динамик ўзгаришлари таҳлил қилинади. Бу ҳолат миллий ва халқаро иқтисодиёт ривожидидаги двигатели бўлган ТТХИнинг ўрганилаётган даврда минтақалар бўйича ўсиши ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолашга асосланади.

Қуйида келтирилган 1-жадвал маълумотлари бу ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

1-жадвал.

Дунё бўйича ТТХИ халқаро ҳаракатининг таркиби ва динамикаси [1]

| № | Кўрсаткичлар | Ҳажми, млрд. АҚШ долл. | | | | Йиллик ўсиши, фоизда | | | | Дунё бўйича ТТХИдаги улуши | | | |
|----------|---|------------------------|--------------|--------------|--------------|----------------------|------------|------------|------------|----------------------------|--------------|--------------|--------------|
| | | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
| | Дунё бўйича жами | 145,2 | 132,4 | 177,4 | 174,6 | 9 | -8 | 34 | -2 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| | <i>шундан:</i> | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Ривожланган давлатлар | 566 | 563 | 984 | 1032 | 9 | -18 | 75 | 5 | 39,0 | 42,5 | 55,5 | 59,1 |
| 1.1 | Европа | 246 | 272 | 566 | 533 | 14 | -20 | 108 | -6 | 17,0 | 20,6 | 31,9 | 30,5 |
| 1.2 | Шимолий Америка | 250 | 231 | 390 | 425 | 22,5 | -15 | 69 | 9 | 17,2 | 17,4 | 22,0 | 24,3 |
| 2 | Ривожланаётган давлатлар | 778 | 704 | 752 | 646 | 7 | 4 | 7 | -14 | 53,6 | 53,2 | 42,4 | 37,0 |
| 2.1 | Африка | 57 | 71 | 61 | 59 | 4 | -4 | -14 | -3 | 3,9 | 5,4 | 3,5 | 3,4 |
| 2.2 | Осиё | 426 | 460 | 524 | 443 | 3 | 9 | 14 | -15 | 29,4 | 34,8 | 29,5 | 25,3 |
| 2.3 | Лотин Америкаси, Кариб ороллари, Океан орти | 295 | 170 | 165 | 142 | 6 | -3 | -3 | -14 | 20,3 | 13,0 | 9,4 | 8,2 |
| 3 | Ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар | 108 | 57 | 38 | 68 | 28 | -33 | -34 | 81 | 7,4 | 4,3 | 2,1 | 3,9 |

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, таҳлил қилинаётган даврда дунё бўйича ТТХИ ҳажми йиллар бўйича бир ўсиш, бир камайиш тенденциясига эга бўлган. Бу даврдаги энг юқори ўсиш ўтиш иқтисодиётидаги давлатларда 2016 йилда юз бериб, 81 фоизни ташкил этганлигини, бироқ, унинг 2013 йилдаги кўрсаткичдан 40 млрд. АҚШ долларига кам эканлигини кўриш мумкин. 2013 ва 2014 йилларда ривожланаётган давлатлар томонидан қабул қилинган ТТХИ улуши тегишлича 53,6 ва 53,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 ва 2016 йилларда бунинг акси юз берган. Бунга ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган ТТХИ ҳажмининг сезиларли даражада ортиши сабаб бўлган. Натижада ушбу давлатлар улуши 55,5 ва 59,1 фоизга тўғри келган.

Агар ЮНКТАД бош қотиби Муқиса Китуйининг БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича Конференцияси маърузасида жаҳон миқёсидаги

ТТХИнинг 2017 йилдаги ҳолати бўйича келтирилган маълумотларга назар ташласак, унда ТТХИ ҳажми 2016 йилга нисбатан 5 фоизлик ўсиш ҳисобига 1,81 трлн. АҚШ доллариға етиши прогноз қилинган ҳолда, амалда 16 фоизлик пасайиш ҳисобига 1,52 трлн. АҚШ долларини ташкил этганлигини ва бу пасайиш кетма-кет иккинчи йил юз берганлигини, бунга эса, асосан, иқтисодиёти ривожланган (АҚШ, Буюк Британия) ва ривожланаётган (Хитой, Гонг Конг, Сингапур, Бразилия) давлатларда ТТХИни жалб қилишдаги фаолликнинг пасайиши сабаб бўлганлигини кўриш мумкин. Бунинг натижасида ривожланган давлатлар иқтисодиётиға инвестицияларнинг кириб келиши 810 млн. АҚШ доллариға камайиш билан 27 фоизга пасайиши, жумладан, Шимолий Америкада – 33 фоизга, Европада – 27 фоизга, ўтиш иқтисодиётидаги давлатларда 17 фоизга (55 млрд. АҚШ доллари ҳажмида) пасайиши (шунинг 17 фоизлик пасайиш билан 31 млрд. АҚШ доллари Россия Федерацияси ҳисобига тўғри келиши) кузатилди. 2018 йилда эса ТТХИ ҳажми кўпайиб, 1,8 трлн. АҚШ доллариға чиқиши ва глобал ЯИМнинг 2018 ва 2019 йиллардаги ўсиши 3,9 фоизга тенг бўлиши прогноз қилинмоқда [2]. Бунга халқаро капитал ҳаракатидаги фаоллик ва ТТХИ ҳажмининг ўсиши ўз таъсирини кўрсатиши кўзда тутилмоқда.

ТТХИнинг иқтисодиёт учун аҳамияти жуда катта бўлиб, улар ёрдамида миллий иқтисодиётга замонавий техника ва технологияларни, илғор бошқарув тажрибаларини арзон баҳо ва қулай шароитларда олиб келиш, иқтисодиётни диверсификациялаш, модернизациялаш, рақобатбардошлигини ва экспорт салоҳиятини ошириш кабиларға эришилади. Яна бир муҳим афзаллиги шундаки, улар бир иқтисодиётдаги йирик инвестиция талаб лойиҳаларни турли иқтисодиётлар капитали бирлашуви асосида молиялаштириш ва амалға ошириш имконини беради. Бундай лойиҳаларни молиялаштириш жаҳон амалиётида *лойиҳавий молиялаштириш*, деб аталади.

Лойиҳавий молиялаштириш – бу йирик инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда бир қанча инвесторлар (жумладан, молия-кредит муассасалари) ресурсларининг бирлашиши ва рискларнинг лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимланиши, лойиҳаға жалб этилган кредитнинг эса уни амалға оширишдан олинган даромадлар ҳисобидан қайтарилишиға асосланган молиялаштириш усули ҳисобланади.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг аҳамияти шундаки:

- биринчидан, у орқали турли манбалар ҳисобидан йирик миқдордаги маблағларни бир жойға бирлаштира олиш имкони яратилади;
- иккинчидан, амалға оширилиши ўта мураккаб бўлган, лекин, миллий ва жаҳон иқтисодиёти ривожини учун ҳам аҳамияти юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини рўёбға чиқариш таъминланади;
- ички ва ташқи бозордан турли ресурсларни нисбатан арзон баҳоларда кенг жалб этиб, истеъмолчиларға катта миқдордаги сифатли ва арзон маҳсулотларни етказиб беришға эришилади;
- инвестиция лойиҳаси амалға оширилаётган давлатнинг хорижий давлатлар, халқаро молиявий институтлар билан алоқалари янада ривожланади;

- инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётган иқтисодиётга хорижий инвестициялар ва кредитларни кенг жалб этиш орқали давлатнинг халқаро капитал ҳаракати ва тақсимотида фаол иштирок этишига эришилади;

- инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётган давлатнинг халқаро бозорда интеллектуал мулк, инновацион ғояларни қулай ва самарали ўзлаштириши, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши таъминланади;

- миллий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва ундаги глобал муаммоларнинг ҳал этилиши кабилар таъминланади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошидан Ғарбий Европа давлатларида қўлланила бошланган лойиҳавий молиялаштириш амалиёти эндиликда бутун дунёда жадал ривожланиб бормоқда ва халқаро капитал ҳаракатида тобора фаол иштирок этиб бораётганлиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса жаҳонда халқаро лойиҳавий молиялаштириш (ХЛМ) амалиётининг вужудга келиши ва унинг кенг имкониятларга эгаллиги билан унга бўлган эътибор ва талабнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Буни куйида келтирилган 2-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин. Ушбу жадвал маълумотлари ўрганилаётган даврда ХЛМ ҳажмининг 2012-2015 йиллар оралиғида ўсиб бориш, 2016 йилда эса 16,8 фоизга пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўрсатади. Бу хусусият ХЛМ бўйича тузилган битимлар сонининг худди шунингдек ўсиш ва охириги йилдаги камайиш ҳолатига эга бўлганлигида ҳам кузатилади. Эътиборли томони шундаки, таҳлил қилинаётган даврда 1 та битимга тўғри келувчи ўртача ХЛМ ҳажми 301-369 млн. АҚШ доллари ҳажми оралиғида тебраниб турган ва бу миқдор юқори суммани ташкил этади.

2-жадвал.

Халқаро капитал ҳаракатида ХЛМнинг иштироки ва динамикаси [3]

| № | Кўрсаткичлар | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. |
|---|--|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1 | Дунё бўйича ХЛМ ҳажми, млрд. АҚШ долл. | 198,75 | 204,74 | 257,53 | 277,48 | 230,93 |
| 2 | ХЛМ ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсиши, фоизда | -7 | 2,6 | 25,8 | 6,8 | -16,8 |
| 3 | ХЛМ бўйича тузилган битимлар сони, дон | 538 | 592 | 702 | 799 | 765 |
| 4 | ХЛМ бўйича тузилган битимлар сонининг ўтган йилга нисбатан ўсиши, фоизда | -12,5 | 10 | 18,6 | 13,8 | -4,3 |
| 5 | 1 та битимга тўғри келувчи ўртача ХЛМ ҳажми, млн. АҚШ долл. | 369,42 | 345,85 | 366,85 | 347,31 | 301,83 |
| 6 | ТТХИнинг халқаро ҳаракати миқдори, трлн. АҚШ доллари | 1,351 | 1,427 | 1,324 | 1,774 | 1,746 |
| 7 | ТТХИ ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиши, фоизда | -18 | 9 | -8 | 34 | -2 |
| 8 | ТТХИни жалб этишда ривожланган кучли 20 талик давлатлар улуши, фоизда | 59 | 54 | 51 | 50 | 66 |
| 9 | ТТХИ ҳажмига ХЛМ ҳажми нисбати, фоизда | 14,71 | 14,35 | 19,45 | 15,54 | 13,23 |

ХЛМнинг дунё минтақалари бўйича тақсимотининг таркиби ва динамикаси [6]

| № | Кўрсаткичлар | 2013 | | 2014 | | 2015 | | 2016 | |
|-------------|---|----------------------|-------------------|----------------------|-------------------|----------------------|-------------------|----------------------|----------------------|
| | | млрд АҚШ долл. | битимла р сони | млрд АҚШ долл. | битимла р сони | млрд АҚШ долл. | битимла р сони | млрд АҚШ долл. | битим лар сони |
| Жами | | 204,74 | 592 | 257,53 | 702 | 277,48 | 799 | 230,93 | 765 |
| 1 | Америка қитъаси | 50,72 | 137 | 93,19 | 229 | 91,82 | 260 | 55,90 | 214 |
| 1.1 | Марказий Америка | 2,40 | 9 | 5,95 | 19 | 8,29 | 19 | 4,71 | 20 |
| 1.2 | Жанубий Америка | 10,80 | 31 | 17,28 | 52 | 17,05 | 55 | 12,20 | 42 |
| 1.3 | Шимолий Америка | 37,00 | 96 | 69,45 | 155 | 64,37 | 178 | 38,72 | 151 |
| 1.4 | Кариб ороллари | 0,52 | 1 | 0,51 | 3 | 2,11 | 8 | 0,27 | 1 |
| 2 | Шарқий Европа, Яқин Шарқ Африка (ЕМЕА) | 91,12 | 257 | 92,59 | 272 | 109,42 | 341 | 123,31 | 387 |
| 2.1 | Африка/Ўрта Шарқ/Марказий Осиё | 37,41 | 59 | 22,13 | 45 | 32,74 | 50 | 36,43 | 52 |
| 2.1.1 | Африканинг субсахараси | - | - | 2,80 | 5 | 10,47 | 22 | 5,42 | 22 |
| 2.1.2 | Ўрта Шарқ | 11,10 | 36 | 8,24 | 18 | 17,91 | 23 | 27,17 | 27 |
| 2.1.3 | Марказий Осиё | 18,35 | 18 | 10,69 | 20 | 3,56 | 5 | 3,50 | 2 |
| 2.1.4 | Шимолий Африка | 7,96 | 5 | 0,40 | 2 | 0,80 | 3 | 0,34 | 1 |
| 2.2 | Европа: | 53,71 | 198 | 70,46 | 227 | 76,68 | 288 | 86,88 | 335 |
| 2.2.1 | Шарқий Европа | 13,09 | 32 | 16,41 | 33 | 13,49 | 32 | 24,31 | 38 |
| 2.2.2 | Гарбий Европа | 40,62 | 166 | 54,05 | 194 | 63,19 | 256 | 62,57 | 297 |
| 3 | Осиё-Тинч океани ва Япония | 62,90 | 198 | 71,75 | 201 | 76,24 | 198 | 51,72 | 164 |
| 3.1 | Австралия | 21,98 | 48 | 38,34 | 51 | 27,28 | 55 | 20,64 | 32 |
| 3.2 | Жанубий-Шарқий Осиё | 13,95 | 55 | 11,20 | 27 | 7,56 | 27 | 11,62 | 22 |
| 3.3 | Шимолий Осиё | 8,98 | 20 | 6,26 | 22 | 21,72 | 18 | 1,69 | 10 |
| 3.4 | Жанубий Осиё | 14,45 | 47 | 11,01 | 55 | 16,47 | 59 | 8,58 | 50 |
| 3.5 | Япония | 3,54 | 28 | 4,94 | 46 | 3,21 | 39 | 9,19 | 50 |

Агарда жаҳон миқёсида ТТХИларни қабул қилувчи давлатлар ичида ривожланган кучли 20 талик давлатларнинг улушига назар ташласак, унинг ўрганилаётган йилларда 2014 йилда кичик 42,5 фоизни ташкил этганлигини,

2016 йилга келиб эса 59,1 фоизга ҳам чиққанлигини кузатиш мумкин [4]. “Thomson Reuters” тижорат белгиси остида тайёрланувчи “Global Project Finance Review” йиллик ҳисобот маълумотларидан ХЛМда, асосан, мазкур ривожланган кучли 20 талик давлатларнинг инвесторлари асосий иштирокчи эканликларини ҳам кўриш мумкин [5]. Ўз навбатида, ХЛМ ҳажмига ТТХИ ҳажми нисбати унинг таҳлил қилинган 2013 йилда энг юқори улуш – 19,45 фоизни, яъни ТТХИга нисбатан 1/5 қисмга эга бўлганлигини, кейинги йилларда эса пасайиш кузатилиб, 2016 йилда 13,23 фоизга тушиб кетганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда инвестицияларни жалб қилишнинг кўплаб усуллари мавжудлиги ва ривожланиб бораётганлигини инобатга олсак, улар таркибида лойиҳавий молиялаштириш ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлигини, унинг мавжуд имкониятлари бу ҳиссани янада оширишга қодир эканлигини ҳис қилиш мумкин.

Мазкур ХЛМнинг дунё минтақалари бўйича тақсимооти сўнгги йиллардаги унинг таркибий ва динамик жиҳатдан ўзгаришларини ўрганишга имкон беради (3-жадвалга қаранг). 3-жадвал маълумотлари ўрганилган даврда Америка қитъасида ХЛМ ўсиш-пасайиш, ўсиш-пасайиш характерини касб этган бўлса, Осиё-Тинч океани ва Япония минтақасида ўсиб бориш ва сўнгги йилга келиб пасайиш тенденциясини, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка минтақасида эса улардан фарқли равишда ҳам лойиҳавий молиялаштириш ҳажмида, ҳам уни амалга ошириш бўйича тузилган битимлар сонида ўсиб бориш динамикасини намоён этган. Бу эса 2016 йилда унинг жами халқаро лойиҳавий молиялаштиришдаги ҳиссасининг 53,4 фоизга чиқишига олиб келган. Ушбу йилда ХЛМнинг 12,7 фоизга ўсиши, лойиҳалар сонининг 6,5 фоизга кўпайиши таъминланди. Бунга ишлаб чиқариш қувватларини яратиш секторида 47 млрд. АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши катта таъсир кўрсатган.

Ушбу йилда эса Америка минтақасида 55,9 млрд. АҚШ долларига тенг жами 214 та битим амалга оширилиб, ўтган йилга нисбатан 39,1 фоизга кам лойиҳавий молиялаштириш бажарилди. Осиё-Тинч океани ва Япония минтақасида эса жами 164 та битим 51,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида амалга оширилиб, ўтган йилга нисбатан 32,2 фоизга тушиб кетди.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, 2017 йилда халқаро капитал ҳаракатида ТТХИ ҳажми 16 фоизлик пасайиш билан 1,52 трлн. АҚШ долларни ташкил этишида ХЛМ ҳажмининг 2,8 фоизга пасайганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Яъни, 2017 йилда 791 та битим асосида 229,6 млрд. АҚШ долларилек ХЛМ амалга оширилди. Бунда Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка (ЕМЕА) минтақасида ХЛМ бўйича амалга оширилган лойиҳалар сони 387 тадан 319 тага тушиб кетди ва улар ҳажми 2016 йилдаги 123,3 млрд. АҚШ долларидан 84,8 млрд. АҚШ долларига камайиши кузатилди. Аксинча ҳолат Америка қитъасида кузатилди, яъни 2017 йилда жами ХЛМ ҳажми ўтган йилдаги 55,9 млрд. АҚШ долларидан 64,4 млрд. АҚШ долларига ўсиши юз берди [7].

Жаҳон амалиётида дунё минтақалари бўйича амалга оширилган

ХЛМнинг қуйидаги 4-жадвалда келтирилган секторлар бўйича тақсимоти ва ундаги таркибий ўзгаришлар ҳолати мунтазам таҳлил қилиб борилади.


4-жадвал.

ХЛМнинг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимотининг таркиби ва динамикаси [8]

| № | Кўрсаткичлар | 2013 йил | | | 2014 йил | | | 2015 йил | | | 2016 йил | | |
|-------------|--------------------------|---------------|--------------|---------------|---------------|--------------|---------------|---------------|--------------|---------------|---------------|--------------|---------------|
| | | сумма | улуши, % | битимлар сони | сумма | улуши, % | битимлар сони | сумма | улуши, % | битимлар сони | сумма | улуши, % | битимлар сони |
| 1 | Ишлаб чиқариш қувватлари | 70,11 | 34,3 | 345 | 83,43 | 32,4 | 382 | 106,75 | 38,5 | 501 | 110,87 | 48 | 471 |
| 2 | Транспорт | 41,61 | 20,3 | 79 | 51,6 | 20 | 111 | 62,83 | 22,6 | 109 | 38,16 | 16,5 | 121 |
| 3 | Нефт ва газ | 38,11 | 18,6 | 63 | 65 | 25,2 | 95 | 56,13 | 20,2 | 71 | 44,31 | 19,2 | 61 |
| 4 | Ёқилғи-кимё | 11,86 | 5,8 | 10 | 11,19 | 4,3 | 8 | 13,37 | 4,8 | 10 | 14,49 | 6,3 | 10 |
| 5 | Саноат | 16,77 | 8,2 | 15 | 14,75 | 5,7 | 19 | 12,1 | 4,4 | 16 | 6,14 | 2,7 | 9 |
| 6 | Туризм | 7,83 | 3,8 | 34 | 9,03 | 3,5 | 43 | 10,43 | 3,8 | 45 | 7,68 | 3,2 | 60 |
| 7 | Кончилик | 6,08 | 3 | 18 | 19 | 7,4 | 21 | 8,74 | 3,2 | 20 | 4,06 | 1,8 | 9 |
| 8 | Сугориш ва канализация | 6,51 | 3,2 | 14 | 1,2 | 0,5 | 9 | 6,05 | 2,2 | 18 | 3,37 | 1,5 | 12 |
| 9 | Телекоммуникация | 3,97 | 1,9 | 6 | 1,43 | 0,7 | 9 | 0,79 | 0,3 | 4 | 1 | 0,4 | 7 |
| 10 | Чикиндини қайта ишлаш | 1,89 | 0,9 | 8 | 0,9 | 0,3 | 3 | 0,31 | 0,1 | 5 | 0,85 | 0,4 | 5 |
| Жами | | 204,74 | 100,0 | 592 | 257,53 | 100,0 | 700 | 279,95 | 100,0 | 799 | 230,93 | 100,0 | 765 |

Ушбу 4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ХЛМда инвестициялар энг кўп жалб этилаётган сектор ишлаб чиқариш қувватлари сектори ҳисобланади ва у умумий ХЛМ таркибида 2016 йилга келиб 48 фоизни ташкил этган. Кейинги ўринларни турли йилларда бир-биридан ўсиб ва ортда қолиб турган транспорт сектори ҳамда нефт ва газ сектори эгаллаб келмоқда ва бу учта сектор ХЛМ бозорида 2016 йилда 83,7 фоизлик улушга эга бўлган.

Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватлари секторидида амалга оширилган ХЛМ ҳажми 2017 йилда ҳам ўсишда давом этиб, 122,81 млрд. АҚШ долларига, жами ХЛМ ҳажмидаги улуши эса 54 фоизга чиқишига олиб келди (1-расмга қаранг). Транспорт сектори 42,36 млрд. АҚШ доллари билан 18 фоиз, нефт ва газ сектори 37,67 млрд. АҚШ доллари билан 16 фоиз улушни, бу учта сектор ҳиссаси эса умумий бозорда 88 фоизга чиқишини таъминлади.



1-расм. 2017 йилда секторлар бўйича ХЛМнинг таркибий тузилиши [9]

Хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш усули халқаро капитал ҳаракати фаоллаштириш, ТТХИнинг самарадорлигини ошириш, бўш турган ресурсларни сафарбар этиш ва уларга бўлган катта талабларни қондириш асосида глобал ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, фойда олиш, иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим халқаро омилига айланиб бормоқда. Бироқ, унинг бир маромда ривожланиш даражасида эмаслиги (2013-2015 йиллардаги ўсиши, 2012, 2016-2017 йиллардаги пасайиши)га қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатмоқда:

- ХЛМ бозорининг ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги;
- энди ривожланиб келаётган давлатларда лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш амалиётининг ривожланмаганлиги;
- мазкур давлатларда ушбу соҳага янги кириб келаётган инвесторларда етарлича халқаро тажрибаларнинг мавжуд эмаслиги;
- йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда катта ҳажмли молиялаштириш рискининг юқорилиги;
- ХЛМда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш жараёнларининг узоқлиги ва мураккаблиги;
- бу соҳада лойиҳаларни инвестициялаштириш ва уларнинг қопланиш даври бошқа турдаги лойиҳаларга нисбатан узоқлиги;
- лойиҳавий молиялаштиришда катта маблағларнинг талаб этилиши ва уни таъминлашда иштирок этувчи инвесторлар ўртасида ягона мақсад асосида келишув жараёнларининг узоқ даврни ташкил этиши ва ўзига хос мураккаблиги;
- ХЛМда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш,

амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш билан боғлиқ харажатларнинг бошқа турдаги лойиҳаларга нисбатан катталиги;

- йирик инвестиция талаб этилувчи лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳанинг ташқи муҳандислик инфратузилмасини барпо этишга ҳам катта миқдордаги маблағларнинг талаб этилиши. Ўзбекистонда 50 млн. АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторлар улуши 50 фоиз бўлган лойиҳаларнинг ўз муддатида амалга оширилишини таъминлайдиган инфратузилмани лойиҳа ҳужжатлари асосида яратиш мажбурияти давлат зиммасида бўлиб, Сургил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилган лойиҳа бўйича 212 млн. АҚШ долларлик ташқи муҳандислик инфратузилмани яратишни давлат ўз зиммасига олганлиги бунга мисол бўла олади;

- лойиҳавий молиялаштиришнинг Ўзбекистонда Республикаси амалиётида нефт-газ, ёқилғи-энергетика, транспорт каби айрим тармоқлардагина тадбиқ этилаётганлиги;

- мамлакатимизда сўнгги йилларга келиб хорижий ҳамкорлар учун бизнес юритишнинг қулай шарт-шароитлари янада такомиллаштирилганлиги – давлат интерактив хизматларининг ташкил этилиши асосида тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш ва лицензиялашдаги тартиб-таомилларнинг тобора соддалаштирилиб, ҳужжатлар сони ва ҳаракати муддатларининг қисқартирилиши, маъмурий, молиявий ва солиқ имтиёзларининг тақдим этилаётганлиги, эркин валюта конвертациясининг тўлиқ жорий этилиши каби лойиҳавий молиялаштиришни янада ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланиши.

ХЛМнинг ривожланиши миллий, минтақа ва жаҳон иқтисодиётидаги глобал муаммоларни ҳал этишни янада жадаллаштириш имкониятларини юзага келтириши унинг барча давлатлар амалиётида кенг ва самарали қўлланилиши заруриятини тақозо этади. Шунга кўра, халқаро лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айрим давлатларда аҳолининг 20 фоизгача қисми тўйиб овқатланмаслик муаммолари билан яшамоқда. Бугунги кунда жаҳонда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги секторига ҳам лойиҳавий молиялаштириш амалиётининг кириб келаётганлигини (масалан, 2014 йилда Осиё-Тинч океани ва Япония минтақасида амалга оширилган 88,7 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги лойиҳанинг ушбу сектордаги улуши 0,12 фоиздан юқорини ташкил этган) инobatга олиб, дунё миқёсида ушбу муаммонинг ҳал этилишида лойиҳавий молиялаштиришнинг бирламчи истеъмол маҳсулотларини яратишдаги иштирокини оширишга эътиборни кучайтириш зарур;

- чекланган ресурслар шароитида йилдан-йилга энергияга бўлган талабнинг ўсиб боришини инobatга олиб, лойиҳавий молиялаштириш асосида қайта тикланувчи ва экологик хавфсиз энергия ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган инвестиция лойиҳаларни амалга оширишни такомиллаштириш лозим;

- давлатлар ўртасидаги алоқа ва сервис хизматлари йўналишларининг кенгайиб ва уни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлигини инобатга олиб, мазкур соҳада сифатли алоқа ва сервис хизматларини яратиш тизимини таъминлаш ва такомиллаштиришда лойиҳавий молиялаштириш имкониятларидан самарали фойдаланишга эришиш зарур;

- ҳар бир ривожланаётган давлатнинг дунё иқтисодиётининг ажралмас бир бўлагига айланиши ва ундан ўз ривожланиш йўлида самарали фойдаланиш мақсадида ўзидаги мавжуд хом ашёлар негизида уларни қайта ишлаш тармоқларини ташкил этиш ва қисқа муддат ичида янада кенгайтиришда инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш асосида фаол жалб этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиши зарур;

- йирик ва ўрта миқдордаги сармояларга эга инвесторларда ўз капиталини қийматли йўқотиш хавфидан ҳимоялаш ва янада кўпайтириш мақсадида уни лойиҳавий молиялаштириш орқали доимо диверсификациялаш асосида сердаромад лойиҳаларга сафарбар этиши лозим;

- Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштириш қўлланилаётган тармоқларда ундан фойдаланишни янада такомиллаштириш билан бирга, жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, давлатимиз томонидан инвестицияларни жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлашга кенг эътибор қаратилаётган тармоқларда, масалан, туризм, саноат, кончилик, телекоммуникация ва алоқа, чиқиндиларни қайта ишлаш каби соҳаларда ҳам самарали қўлланилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <http://www.unctad.org/diae> – Жаҳон инвестициялари ҳақида маъруза: 2013 2014, 2015, 2016 йиллар. ЮНКТАД. Конференция Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Савдо ва ривожланиш бўйича конференция материаллари асосида тузилди.

2. <http://news.un.org/ru> сайти маълумотлари асосида.

3. <http://www.unctad.org/diae> – Жаҳон инвестициялари ҳақида маъруза: 2013 2014, 2015, 2016 йиллар. ЮНКТАД. Конференция Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Савдо ва ривожланиш бўйича конференция материаллари ҳамда <http://www.ifre.com> – GLOBAL PROJECT FINANCE REVIEW: MANAGING UNDERWRITERS – Full Year: 2012; 2013; 2014; 2015; 2016 маълумотлари асосида тузилди.

4. <http://www.unctad.org/diae> – Жаҳон инвестициялари ҳақида маъруза - 2017 йил. ЮНКТАД. Конференция Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Савдо ва ривожланиш бўйича конференция материаллари. – Б. 4.

5. <http://www.ifre.com> – GLOBAL PROJECT FINANCE REVIEW: MANAGING UNDERWRITERS – Full Year: 2012; 2013; 2014; 2015; 2016 маълумотлари.

6. <http://www.ifre.com> – GLOBAL PROJECT FINANCE REVIEW: MANAGING UNDERWRITERS – Full Year: 2013; 2014; 2015; 2016

маълумотлари асосида тузилди.

7. <http://www.loanpricing.com> – LEAGUE TABLES: Project Finance International January 24 2018. – Б. 44-69.

8. <http://www.ifre.com> – GLOBAL PROJECT FINANCE REVIEW: MANAGING UNDERWRITERS – Full Year: 2013; 2014; 2015; 2016 маълумотлари асосида тузилди.

9. <http://www.loanpricing.com> – LEAGUE TABLES: Project Finance International January 24 2018. – Б. 51.